

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Үн.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

БЕКЧАНОВ ДАВРОН МАШАРИПОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ МИСОЛИДА)**

**12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Бекчанов Даврон Машарипович

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш (Ўзбекистон ва Япония мисолида)..... 3

Бекчанов Даврон Машарипович

Совершенствование правовых основ деятельности органов государственной власти на местах в развитии предпринимательства (на примере Узбекистана и Японии)..... 24

Bekchanov Davron Masharipovich

Improvment the legal basis of the activities of local government in development of entrepreneurship (in the case of Uzbekistan and Japan).....
44

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Үн.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

БЕКЧАНОВ ДАВРОН МАШАРИПОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ МИСОЛИДА)**

**12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Yu4 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmij-kengash>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Рузметов Хайрулло Ибодуллаевич
юридик фанлар доктори

Расмий оппонентлар: Исмаилова Гулноза Сайдиганиходжаевна
юридик фанлар доктори

Отахонов Фозилжон Хайдарович
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент Давлат юридик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___:___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (998971) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

О.Т. Хусанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, юридик фанлар доктори, профессор

А.Э. Йўлдошев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, юридик фанлар номзоди

И.Т. Тультеев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, доцент

КИРИШ (PhD ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АННОТАЦИЯСИ)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда тадбиркорликни давлат томонидан ривожлантиришнинг янги шакллари жорий этиш ва бунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ролини янада кучайтириш муҳим омилга айланмоқда. Иқтисодий ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт б-моддасининг биринчи қисми давлатларга ҳар бир инсоннинг ишлаб маблағ топиши учун шароит яратиш мажбуриятини юклайди. Бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорликни ривожлантиришдаги ваколатларини кенгайтириш нафақат ривожланаётган, балки ривожланган мамлакатларнинг ҳам олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланган.

Жаҳонда глобализация жараёнининг тобора ривожланиши ва унинг оқибатида янги иқтисодий марказларнинг вужудга келиши, ҳар бир давлат маҳаллий тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантиришга қаратилган тизимни доимий равишда такомиллаштириб бориши масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ривожланган давлатларда тадбиркорликни давлат томонидан ривожлантиришни ўрганувчи кўплаб илмий тадқиқот тузилмалари фаолият олиб бормоқда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзгаришларга тез мослашувчанлиги сабабли Япония, АҚШ, Германия, Корея Республикаси каби давлатларда тадбиркорликни ривожлантириш вазифаси бевосита уларнинг зиммасига юклатилган.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини барпо этиш ва бошқарув соҳаларида тўпланган тажрибалар таҳлилидан мамлакат иқтисодиётини ҳам тезкор, ҳам барқарор ривожлантириш учун ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини кескин кучайтириш, уларнинг мутаносиб иқтисодий ривожланишини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда кескин ўзгаришлар рўй берди, аҳолининг сиёсий дунёқараши ўзгарди, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатлари маълум бир ривожланиш босқичига чиқди. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан бошқаришнинг янги алоҳида ёндашувларини жорий этишни талаб қилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш” каби вазифалар белгилаб берилган¹.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги (1993), янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги (2003), Ўзбекистон Республикасининг “Электр энергетикаси тўғрисида”ги (2009) қонунлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., - № 6., 70-модда

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5185-сон фармонлари ва мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат томонидан тадбиркорлик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш, мазкур тузилмалар фаолиятининг йўналишлари ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ муносабатларнинг иқтисодий жиҳатлари мамлакатимизнинг Б.Рузметов, С.Салаев, Е.Ерназаров, Қ.Муфтайдинов, Ҳ.Абдулқосимов, Р.Гайбуллаев, Ж.Бабаев, С.Улашев каби олимлари томонидан ўрганилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари мамлакатимизда, асосан, О.Хусанов, Х.Одилқориев, И.Хамедов, О.Оқюлов, Г.Маликова, Х.Рузметов, Б.Ибратов, Г.Исмаилова, Б.Жураев, С.Селеманова, Ф.Отахонов, А.Йулдашев, Й.Жумаев, М.Абдусаламов, Ғ.Алиев, Ф.Примов² ва бошқа муаллифлар томонидан тадқиқ этилган.

Яқин ва узоқ хориж мамлакатлари ҳуқуқшунос олимларидан В.Дробязко, О.Рой, А.Олейник, А.О'Саливан, Р.Граверт, И.Бабичев, Е.Губин, В.Мамонтов, О.Троценко, Ябуно Юзо, Мурамацу Мичио, Самуэлс Ричард, А.Амакава, Мияшита Казухиро, Ишикава Шожи, П.Бардхан, А.Ёнг, Г.Попов, Н. Климов, М.Портер, Т.Макдугал³ ва бошқаларнинг илмий ишларида маҳаллий давлат ҳокимияти институтларининг фаолияти, ваколатлари ва функциялари, жойларда тадбиркорликни ривожлантиришда уларнинг ўрни ва роли, улар ўртасида у ёки бу соҳада юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг айрим жиҳатлари ўрганилган.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва мазкур ҳимоянинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари умумий тарзда ўрганилган бўлса-да, бироқ маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорликни ривожлантиришга оид фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатлари комплекс тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини (Ўзбекистон ва Япония мисолида) такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

² Бу ва бошқа тадқиқот ишлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

³ Ушбу тадқиқот ишлари билан фойдаланилган адабиётлар рўйхатида батафсил танишишингиз мумкин

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорликни ривожлантиришга оид ваколатлари ва уларни амалга ошириш амалиётини (Ўзбекистон ва Япония мисолида) тадқиқ қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг тадбиркорликни ривожлантиришдаги ҳамкорлигини ўрганиш;

тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришда маҳаллий ва марказий давлат органлари ўзаро муносабатларини таҳлил қилиш;

Японияда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган фаолиятининг шакл ва усулларини ўрганиш;

худудларда инновацион фаолиятни ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тадбиркорлар ва илмий тадқиқот марказлари ўзаро алоқаларининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришнинг молиявий имкониятларини кенгайтиришнинг ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш;

тадбиркорликни ривожлантириш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари халқаро иқтисодий фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан (Ўзбекистон ва Япония мисолида) тадбиркорликни ривожлантириш фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот предметини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан (Ўзбекистон ва Япония мисолида) тадбиркорликни ривожлантириш ғоялари, қарашлари, назариялари, доктриналари, концепциялари, ҳуқуқий асослари ва амалиёти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тизимли ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, комплекс ёндашув, тарихий, социологик, тизимли-функционал, индукция, дедукция, мантиқий, кузатиш, статистик ва тадқиқот олиб боришнинг бошқа усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чет эл инвестицияларини жалб қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга техник ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш таклифи асослаб берилган;

тадбиркорликни ривожлантириш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш мақсадида худудий

адлия органларига тегишли халқ депутатлари Кенгашларига бу ҳақда ахборот тақдим этиш мажбуриятини юклаш мақсадга мувофиқлиги исботланган;

бизнес лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш учун тадбиркорларни ҳудуддаги мавжуд меҳнат ресурлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда яқин келажакдаги прогнози билан таъминлаш мажбуриятини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклаш зарурати асосланган;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан жамоат бирлашмалари ўртасида ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш борасида энг яхши ғоя танловини ўтказишнинг жойларда ижтимоий шериклик механизмини такомиллаштиришдаги аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“тадбиркорлик” ва “инновацион тадбиркорлик” тушунчаларининг назарий-ҳуқуқий тавсифи аниқлаштирилган;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклифлар қонунчиликда ўз аксини топган ва асослаб берилган;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳудудга инвестицияларни жалб этиш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш борасида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунга қўшимча киритиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳудудда инновацион тадбиркорликни молиялаштириш ва илмий тадқиқот марказларини тузиш ваколатларини бериш тўғрисидаги таклифлар “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонун лойиҳасига берилган;

иқтисодий ночор ҳудудлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорликни ривожлантириш фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан алоҳида ҳуқуқий режим жорий қилиш таклифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда мавзуга оид 300 га яқин илмий ва амалий адабиёт ҳамда манбалардан фойдаланилган. Тадқиқот ишида фойдаланилган қонун ҳужжатлари ва адабиётлар расмий манбалардан олинган ҳамда уларга диссертацияда тегишли тартибда ҳавола қилинган. Илмий тадқиқот ишининг якуни бўйича назарий хулосалар ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар давлат-ҳуқуқий фанларда мавжуд бўлган илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар, шунингдек, маҳаллий давлат органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга оид ҳуқуқий ҳужжатлар, бу борадаги Япония қонунчилиги ва тажрибаси қиёсий таҳлил қилинган ҳолда, илгари сурилган. Шу билан бирга, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишининг дастлабки натижалари амалиётга жорий қилингани ва бу ваколатли идоралар томонидан тегишли тартибда тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгусида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этишда, маҳаллий қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, «Конституциявий ҳуқуқ», «Маҳаллий бошқарув», «Тадбиркорлик ҳуқуқи» ва «Худудларни иқтисодий ривожлантириш» каби фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ва уларни такомиллаштиришга хизмат қилишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган фаолияти ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

чет эл инвестицияларини жалб қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга техник ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш таклифи Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги 285–ХП-сонли Қонунининг 19-моддасини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг 2019 йил 14 январдаги 04/1-06-7-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан худуддаги тадбиркорлик тузилмаларига инвестицияларни жалб этиш учун техник ёрдам кўрсатишни самарали ташкил этишга хизмат қилди;

худудий адлия органларининг ҳар ярим йиллик яқунлари бўйича тегишинча халқ Кенгашларига жойлардаги норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш борасидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги 913-ХП-сонли Қонунининг 25³-моддасини тайёрлашда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг 2019 йил 16 январдаги 06/1-05/177-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга хизмат қилмоқда;

меҳнат органлари томонидан тадбиркорларга меҳнат бозори ҳолати тўғрисида ахборот бериш бўйича бепул хизмат кўрсатиш тўғрисидаги таклиф 2018 йил 3 январь ЎРҚ-456-сонли Қонуннинг 3-моддаси билан берилган Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги 510-ХП-сонли Қонунининг 16-моддасининг янги таҳририни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик Палатасининг 2019 йил 15 январдаги 04/3-06-03-сон

маълумотномаси) тайёрлашда фойдаланилган. Ушбу норма тадбиркорлик тузилмаларига бизнес лойиҳаларини меҳнат ресурсларини инобатга олган ҳолда тайёрлашга хизмат қилмоқда;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан жамоат бирлашмалари ўртасида ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш борасида энг яхши ғоя танловини ўтказишнинг ижтимоий шериклик механизмини такомиллаштиришдаги аҳамияти “Маҳаллий бошқарув” дарслиги мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг 2018 йил 3 июнь 11/1295/1-сон маълумотномаси). Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференция ҳамда давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

Диссертациянинг асосий мазмуни ва натижалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бағишланган илмий-амалий конференция материалларида баён этилган. Шунингдек, “Promotion of international understanding in the era of globalization” Suwon, 2008), “Semaul undong in the Globalizing world: shairing theories and practices” (Gumi, 2009), “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари устидан назоратни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улар доимий комиссиялари билан ўзаро ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш масалалари” (Тошкент, 2013), “Определение и реагирование на коррупционные риски на местном уровне” (Скопье, 2013), “Конституциявий давлат вакиллик органлари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари: ҳамкорлик ва самара” (Тошкент, 2014), “Ўзбекистон мустақиллик йилларида эришилган ижтимоий-иқтисодий ютуқлар: назария ва амалиёт” (Тошкент, 2016), “Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари” (Тошкент, 2018) мавзусидаги халқаро, республика илмий амалий семинарлари ва конференциялари, давра суҳбатларида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, 1 та рисола (ҳаммуаллифликда), 1 та дарслик (ҳаммуаллифликда) ва ОАК томонидан диссертациялар натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 9 та мақола (8 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий тадқиқот иши кириш, тўққизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат бўлиб, унинг ҳажми 154 бетни (адабиётлар ва иловаларсиз) ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари»** деб номланиб, унда тадбиркорликни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ва хорижий тажрибалар таҳлил этилган. Шунингдек, мазкур бобда маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан тадбиркорликни ривожлантириш шакллари тизимлаштирилган ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган.

Бобнинг *«Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари»*га бағишланган биринчи параграфда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари, “тадбиркорлик” тушунчаси ва юридик табиати таҳлил этилган. Бу борада айрим олимларнинг (А.Куэрво, Д.Риберио, С.Роиг, Э.Хеген, Г.Ф.Папанек) фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, улар билан илмий мунозара қилган ҳолда “тадбиркорлик” тушунчасига муаллифлик таърифи берилган.

Шунингдек, “тадбиркорлик муҳити” тушунчаси ва уни ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўрни ҳамда аҳамиятига изоҳ берилган. Тадбиркорлик муҳитига таъсир қилувчи омиллар тизимлаштирилиб, месо, макро ва мета даражаларнинг ҳар бири бўйича таҳлил қилиб ва илмий хулосалар берилган.

Параграф доирасида “ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш” тушунчаси ўрганилиб, бу хусусида адабиётларда учрайдиган илмий ёндашувлар (У.Ростоу, Д.Сеерс, Ж.Блакели, А.Сен, Б.Рузметов, С.Салаев) атрофича таҳлил этилган. Тадқиқотлар натижасида ҳудудларда тадбиркорлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликни ривожлантириш аҳоли ҳаёт даражасини юксалтириш ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади, деган хулосага келинган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳудудларнинг рақобатбардошлигини ошириш борасида классик, неоклассик, эндоген ва “янги савдо” назариялари атрофлича ўрганилиб, муаллиф томонидан ҳудудларни муайян тармоққа ихтисослаштириш, тадбиркорларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантиришга боғлиқ деган фикрга келинган.

Шунингдек, параграфда, илмий-тадқиқот ва конструкторлик йўналишидаги тадбиркорликка оид қарашлар (М.Г.Лапуста, А.Г.Поршнев, Ю.Л.Старостин, Л.Г.Скамайлар, Дк. Синх) ўрганилиб, муаллиф томонидан уни тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида тури сифатида қонуний тус бериш тўғрисидаги фикри илгари сурилган.

Тадбиркорликни ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг иштироки даражаси ва кўлами уларга марказий ҳокимият томонидан бериладиган ваколатларга чамбарчас боғлиқлиги очиб берилди. Яъни марказлашган мамлакатларда ҳудудларни ривожлантириш масаласи бевосита марказий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилса, номарказлашган мамлакатларда маҳаллий ҳокимиятлар томонидан рўёбга чиқарилиши ўрганилди. Шу билан бирга, ҳудудларни иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий ва марказий ҳокимият органларининг ўзаро муносабатлари ўрганилиб, муаллиф томонидан уларни уч турда (тепадан пастга (марказлашган); пастдан тепага (номарказлашган) ва аралаш) таснифлаш фикри билдирилди. Ҳар бир турига муаллифлик таърифи берилди.

Ушбу бобнинг «*Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш шакллари*»га бағишланган иккинчи параграфда маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қарашлар ва уларнинг ҳуқуқий асосларининг ривожланиш босқичлари очиб берилган. Тадқиқотнинг ушбу параграфда марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатлар муаллиф томонидан уч шаклга (марказлашган, номарказлашган ва аралаш) таснифлаган ҳолда тизимли таҳлил қилинган.

Мазкур параграфда ҳудудларда тадбиркорликни давлат томонидан ривожлантиришга оид қарашлар қуйидаги икки гуруҳга ажратилган ҳолда ўрганилган: биринчиси, давлат тадбиркорликни бевосита ривожлантириши керак; иккинчиси, тадбиркорликни ривожлантиришга давлат умуман аралашмаслиги лозим. Бу борада бир қатор олимларнинг (А.Смит, А.Юнг, П.Бардхан, И.Адельман) фикр ва мулоҳазаларини таҳлил қилган ҳолда муаллифлик хулосалари берилган.

Шунингдек, мазкур параграфда давлат томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга оид қарашлар умумлаштирилиб, муаллиф томонидан ушбу жараён 3 та босқичга (биринчи босқич – давлат тадбиркорликни асосий ҳаракатлантирувчи омили; иккинчи босқич – давлат тадбиркорликни ривожлантиришда тўсиқ, деб ҳисоблаш; учинчи босқич – давлатнинг ўрни реабилитация қилиниши) бўлинган ҳолда таҳлил этилган, илмий хулоса ва таклифлар берилган.

Шу билан бирга, параграфда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш самарадорлигини муаллиф

қуйидаги омилларга боғлиқлигини асослаб берди: *биринчиси*, тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати; *иккинчиси*, марказдан маҳаллий ҳокимияти органларига берилган ҳуқуқ ва ваколатлар; *учинчиси*, маҳаллий давлат ҳокимиятининг тузилиши; *тўртинчиси*, маҳаллий давлат ҳокимияти хизматчиларининг салоҳияти (айнан тадбиркорликни ривожлантиришга масъул ходимлар); *бешинчиси*, тадбиркорликни ривожлантириш борасида марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро муносабатлари; *олтинчиси*, ҳудудда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган фуқаролик жамияти институтларининг мавжудлиги ва фаоллиги. Тадқиқотчи томонидан юқорида келтирилган ҳар бир омил таҳлил қилиниб, муаллифлик ҳулосаси берилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш иккита: горизонтал (комплекс) ва вертикал (тармоқли) ёндашув асосида таҳлил этилган. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг “горизонтал” ёндашувида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари барча тармоқда фаолият юритаётган тадбиркорлик тузилмаларини бирдек қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли чораларни кўради. “Вертикал” ёндашувда эса, аксинча маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бир тармоқ ёки муайян тадбиркорлик тузилмаларига эътибор қаратади ва имтиёзлар беради. Ушбу ёндашувлар муаллиф томонидан ўрганилган, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш усуллари ҳамда бу борадаги олимларнинг (А.Буигус ва Х. Секкат) фикр ва қарашлари ўрганилган. Бунда тадбиркорликни маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан ривожлантириш усуллари: тузилмавий ва монетар категорияларга таснифланган. Тузилмавий категорияга давлат томонидан тадбиркорликка тўғридан-тўғри маблағ берилмайдиган барча чоралар, яъни божхона тарифлари, солиқ ставкалари, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, малака ошириш, инфратузилмани ривожлантириш кабилар киритилган. Монетар категорияга эса, давлат томонидан тадбиркорлик тузилмаларига берилмайдиган субсидиялар ва давлат буюртмалари киритилиб, бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибаси ўрганилган ва бу борада муаллифлик ҳулосаси берилган.

Муаллиф маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш шакллари тизимлаштириб, уларни тўртга ажратади. Булар: давлат органларини ташкил этиш орқали тўғридан-тўғри; давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда; бизнес ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорликда; маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фақат соф рақобат назоратчиси сифатида. Шунингдек, тадқиқотчи юқорида келтирилган шаклларни қандай вазиятларда жорий этиш лозимлиги ҳамда унинг қонунчилик асосларини яратиш тўғрисида ўз қарашларини баён этган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари: Ўзбекистон ва Япония тажрибаси**» деб номланиб, Ўзбекистон ва Японияда маҳаллий давлат ҳокимият органлари тузилиши, ҳуқуқий мақоми ва

тадбиркорликни ривожлантиришдаги ўзига хос жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинган. Шу билан бирга, мазкур бобда иккала давлатнинг тадбиркорликни ривожлантириш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти соҳаларининг ҳуқуқий асослари тадқиқ этилган. Шунингдек, мазкур бобда, Ўзбекистон ва Японияда маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан тадбиркорликни ривожлантириш моделларининг ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқ этилган ва Ўзбекистоннинг бу борадаги афзаллик ва камчиликлари очиқ берилган.

Мазкур бобнинг «*Ўзбекистон ва Японияда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий механизмлари*»га бағишланган биринчи параграфида Ўзбекистон ва Япония маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тузилиши ва фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этилган. Бунда муаллиф Япония маҳаллий бошқарувида “дуал вакиллик” тизими жорий қилинган бўлса, Ўзбекистонда “дуал бошқарув” тизими жорий этилган деган хулосага келган.

Шунингдек, мазкур параграфда ҳар иккала давлатни маҳаллий вакиллик органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари таҳлил этилиб, ҳудудда тадбиркорликни ривожлантиришга оид дастур ва қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижросини назорат қилишдаги ваколатлари қиёсий ҳуқуқий таҳлил асосида ўрганилган. Бунда Японияда маҳаллий Кенгаш депутатларининг аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши, улар фаолияти доимий асосда ташкил этилганлиги ҳамда халқ вакилларига ҳудудни ривожлантиришга қаратилган янги ғоя, дастур ва қарор лойиҳаларини тайёрлашда маошларидан ташқари махсус грантларда иштирок қилиш имкониятлари каби хусусиятлари ўрганилган. Ўзбекистон маҳаллий вакиллик органларининг ўзига хос жиҳатига, яъни маҳаллий Кенгаш депутатлари жамоатчилик асосида ишлаши ва кўпчилиги бир вақтнинг ўзида бюджет ташкилоти ходими сифатида фаолият олиб бориши тадқиқ этилиб, бу борада тадқиқотчи ўз хулосаларини берган.

Параграф доирасида Ўзбекистон ва Япония маҳаллий давлат хизмати тизимининг ҳуқуқий асоси тадқиқ этилиб, уларни лавозимга тайинлаш, мансаб зинапоясидан ўсиши, малака ошириш жараёнлари тадқиқ этилган ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришда маҳаллий давлат хизматчиларининг функциялари ва ваколатлари таҳлил этилган. Бу борада муаллифлик хулосаси берилган.

Тадқиқотда Ўзбекистонда маҳаллий давлат хизматчиларини танлаш ва жой-жойига қўйиш, тегишли вазирлик, давлат қўмитаси ёки агентликларнинг низоми асосида ишга қабул қилинса, Японияда “Маҳаллий давлат хизматчилари тўғрисида”ги Қонунга асосан, ҳудудларда ташкил этиладиган “Кадрлар масаласи бўйича” бетараф комиссиялар томонидан амалга оширилиши ўрганилган. Ҳудудларда фаолият юритаётган ўқитувчилар, шифокорлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини ишга қабул қилиш “Халқ таълими хизматчилари тўғрисида”, “Маҳаллий таълимни бошқариш тўғрисида”, “Милиция тўғрисида”,

“Жамоат корхоналари тўғрисида”ги қонунлар билан тартибга солиниши баён қилинган.

Муаллиф, Японияда маҳаллий давлат хизматчиларини ишдан ажралмаган ва ажралган ҳолда ўқитиш ҳамда малакасини ошириш тизими мавжудлигини эътироф этиб, лавозимга танлаб олинган ходим ўз лавозимини бажаришга киришишидан олдин бир неча ҳафтадан бир неча ойгача бошланғич кўникмаларни олиш учун асосий курсларни ўташи лозимлигини эътироф этади. Японияда маҳаллий давлат хизматчиларининг малакасини оширишга мўлжалланган бир қанча марказлар мавжудлигини ёритиб, бугунги кунда маҳаллий давлат хизматчилари ўқув марказлари сони 56 тани ташкил этиши кўрсатилган.

Шу билан бирга, ушбу параграфда Ўзбекистон ва Япония маҳаллий ижро органларининг ташкилий тузилиши, уни шакллантириш жараёни ва бу борада марказ билан ўзаро муносабатлари ўрганилган. Бунда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари тузилиши Ўзбекистонда Ҳукумат томонидан тасдиқланган намунавий низом асосида ва Японияда тегишли Кенгаш қарори билан белгиланиши, яъни бошқарма ва бўлимлар сонини камайтириши ёки кўпайтириши ҳолати тадқиқ қилинган. Бунда тадқиқотчи бир қатор олимларнинг (S.Ohsugi, Y.Ishikawa, M.Muramatsu, F.Iqbal, I.Kume, K.Akizuki) фикр ва мулоҳазаларини таҳлил қилиб, улар билан илмий мунозарага киришган ҳолда муаллифлик хулосасини берган.

Тадқиқотчи, мазкур параграф доирасида, Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг тадбиркорликни ривожлантиришга таъсирини таҳлил қилган ҳамда норма ижодкорлиги муаммоларини очиқ берган. Ўзбекистон маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан 2017 йилда жами 956 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат адлия органларидан рўйхатдан ўтган, бунда ҳар битта маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига ўртача 5,5 норматив ҳужжат тўғри келган. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норма ижодкорлиги йўлга қўйилмагани натижасида тадбиркорликни ривожлантириш масалалари ҳал этилмаётгани кўрсатилди.

Ушбу, бобнинг «*Ўзбекистон ва Японияда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш моделлари*»га бағишланган иккинчи параграфда тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон ва Японияда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорликни ривожлантиришга оид ваколатлари қуйидаги соҳалар бўйича ўрганилган: *биринчиси*, тадбиркорлик фаолияти учун ер ажратиш ва бино билан таъминлаш; *иккинчиси*, тадбиркорлар учун инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш; *учинчиси*, тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, (кафолатсиз кредит ва бошқалар); *тўртинчиси*, тадбиркорлар малакасини ошириш ва улар учун консалтинг хизматларини ташкил этиш; *бешинчиси*, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш (инвестицияларни жалб этиш ҳамда экспортга йўналтирилган фаолиятни қўллаб-қувватлаш); *олтинчиси*, тадбиркорларга солиқ имтиёзларини жорий этиш; *еттинчиси*, тадбиркорларнинг инновацион фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;

саккизинчиси, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган дастурларни жорий этиш борасида мустақил бюджетга эга бўлиш; *тўққизинчиси*, махсус саноат зоналарини ташкил этиш.

Японияда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган дастурларнинг аксарияти бевосита маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилган. Бунга мисол сифатида тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган энг кўп тадбирлар амалга оширилган 1990 йилларда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган 235 та давлат дастуридан фақат 37 таси марказ ҳиссасига тўғри келганлигини кўрсатиш мумкин.

Параграфда, шунингдек, Япония маҳаллий давлат ҳокимиятлари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришдаги қуйидаги фаолиятининг ҳуқуқий асослари кўриб чиқилди: *биринчиси*, тадбиркорлик тузилмаларини самарали бошқаришни ривожлантириш борасида консалтинг тизимининг жорий этилиши; *иккинчиси*, тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш; *учинчиси*, маҳаллий ҳокимият томонидан тадбиркорларни жалб этган ҳолда “кооперациялар”ни тузиш; *тўртинчиси*, тадбиркорлар товар ва хизматларининг сотилишига кўмаклашиш; *бешинчиси*, тадбиркорларнинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш борасида муаллиф маҳаллий ҳокимият органларининг қуйидаги ваколатларини тадқиқ қилган: 1) тадбиркорлик субъектларига ер ажратиш борасида бўш турган ерларни аниқлаш ва аукционга қўйиш; 2) тадбиркорларга қонунда белгиланган тартибда солиқ имтиёзларини жорий қилиш; 3) марказий ҳокимият органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш борасида қабул қилинган дастурларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш; 4) нақд пул тушумини назорат қилиш ва ҳудуддаги банклар фаолиятини мувофиқлаштириш; 5) кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантириш (вилоят даражасида); 6) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тадбиркорлик лойиҳаларининг манзилли дастурларига тавсиялар бериш.

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш борасида муаллиф маҳаллий ҳокимият органлари қуйидаги ваколатларини тадқиқ қилган: 1) тадбиркорлик субъектларига ер ажратиш борасида бўш турган ерларни аниқлаш ва аукционга қўйиш; 2) тадбиркорлик тузилмаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлашда, ҳудуднинг меҳнат бозорини доимий равишда ўрганиш ва унинг натижаларини тадбиркорларга тақдим қилиш; 3) тадбиркорларга қонунда белгиланган тартибда солиқ имтиёзларини жорий этиш; 3) марказий ҳокимият органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш борасида қабул қилинган дастурларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш; 5) нақд пул тушумини назорат қилиш ва ҳудуддаги банклар фаолиятини мувофиқлаштириш; 6) кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ривожлантириш (вилоят даражасида); 7) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тадбиркорлик лойиҳаларининг манзилли дастурларига тавсиялар бериш.

Шу билан бирга, тадқиқот доирасида муаллиф томонидан Японияда маҳаллий ҳокимият органлари тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш борасида қуйидаги ваколатларининг самарадорлиги даражаси ўрганилди: ўз бюджетидан тадбиркорлик субъектлари учун гаровсиз имтиёзли кредитлар бериш; маҳаллий бюджет ҳисобидан тадбиркорлик субъектлари вакиллари (бошқарув ходимлари, муҳандислар ва бошқа мутахассислар) малакасини доимий ва тизимли равишда ошириб бориш; маҳаллий солиқлардан имтиёзлар бериш; тадбиркорликни ривожлантириш ва ишлаб чиқишга юқори технологияларни жорий этишни тадқиқ қилишга қаратилган муассасаларни ташкил этиш; тадбиркорлик субъектларига маслаҳат, ахборот ва маркетинг хизматлари кўрсатадиган тузилмалар тузиш; тадбиркорлик субъектларига лизинг асосида юқори технологияларни бериш; тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш; йўл, коммуникация каби тадбиркорлик фаолияти ривожланиши учун зарур бўлган инфратузилмани ривожлантириш.

Муаллиф томонидан Япония тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорликни ривожлантиришига оид тавсиялар ишлаб чиққан.

Диссертациянинг учинчи боби **“Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари”** деб номланиб, Ўзбекистон маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорликни ривожлантиришга оид фаолиятининг ҳуқуқий муаммолари ёритилган ва уларни бартараф этиш борасида илмий асосланган муаллифлик таклифлари берилган. Шу билан бирга, муаллиф мазкур бобда, ҳудудларда инновацион тадбиркорликни ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини кенгайтиришга доир фикрларини баён этган.

Бобнинг *“Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш тизимини такомиллаштириш йўллари”* деб номланган биринчи параграфида Ўзбекистон маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш тизимининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича муаллиф томонидан қуйидаги таклифлар асослаб берилди: 1) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш; 2) манзилли дастурлар доирасида тадбиркорлар учун имтиёзли ер ажратишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини кенгайтириш; 3) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан “кичик саноат зоналари”ни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш билан боғлиқ ваколатларни кенгайтириш; 4) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлар салоҳиятини ошириш, соҳа учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш; 5) тадбиркорлар ўртасида кооперацияларни ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш борасида маҳаллий ҳокимликлар фаолиятини такомиллаштириш; 6) халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида “Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” кичик комиссиясини тузиш; 7) манзилли дастурлар доирасида маҳаллий

давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига давлат мулк объектларини ноль қиймат ставкасида ижарага бериш тартибини жорий этиш; 8) маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги тадбиркорликни ривожлантиришга масъул ходимларнинг салоҳиятини доимий равишда ошириб боришга қаратилган самарали тизимни яратиш; 9) иқтисодий ночор шаҳар ва туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини жорий этиш; 10) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятларини янада кенгайтириш; 12) тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норма ижодкорлигини такомиллаштириш; 13) тадбиркорлик тузилмаларини узлуксиз электр энергия билан таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш.

